



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

BUYRUG'I

2019 yil "10" 04 294 -son

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВнинг
2019 йил 16 март 1/6 - сонли Ҳайъат
қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2018 йил 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган мажлис баёнида олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохатларда фаол иштирокини таъминлаш мақсад қилиб белгиланган.

Юқорида белгиланган топшириқлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 9 ноябрдаги "Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш тўғрисида"ги 917-сонли буйруғи ҳамда 2019 йил 16 мартдаги 1/6-сонли Ҳайъат қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари О.Абдурахмановнинг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон Қарори ижросини таъминлаш юзасидан олий таълим муассасаларини маҳалла ва умумтаълим мактаблари билан ҳамкорлиги бўйича қилинган ишлар таҳлили тўғрисида"ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев ҳамда барча кафедра мудирларига:
 - 2.1. Институт раҳбариятига бириктирилган Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари янада кучайтирилсин ва

4888100

- кафедралар тақсимотига кўра бириктирилган умумтаълим мактабларида тегишли тартибда амалий ишлар олиб борилсин.
- 2.2. Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Фаровон” “Тонг юлдузи”, “Темирйўлчилар” маҳаллалари раҳбарияти билан ҳамкорлигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ тарғибот ишлари олиб борилсин.
- 2.3. Маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги мавжуд фуқаролар хolidан хабар олиш ишлари давом эттирилсин ва бу каби тадбирларга талабаларнинг иштироки таъминлансин.
3. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 1/6-сонли Ҳайъат қарори.

Ректор

И.И.Алимджанов

ASLIGA TO'G'RI

